

ИСЛОМ КАРИМОВ номидаги **ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ «ФАН ВА ТАРАҚҚИЁТ» ДАВЛАТ
УНИТАР КОРХОНАСИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.К/Т.03.01 РАҚАМЛИ БИР МАРТАЛИК
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ИСЛОМ КАРИМОВ номидаги **ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА
УНИВЕРСИТЕТИ «ФАН ВА ТАРАҚҚИЁТ» ДАВЛАТ
УНИТАР КОРХОНАСИ**

АКБАРОВ ИЛХОМ ГУЛОМЖАНОВИЧ

**МАХАЛЛИЙ ВА ИККИЛАМЧИ ХОМАШЁЛАР АСОСИДА
МОДИФИКАЦИЯЛАНГАН КОМПОЗИЦИОН БИТУМ
МАТЕРИАЛЛАР ТАРКИБИ ВА УЛАР АСОСИДА ҚУРИЛИШДА
ИШЛАТИШ УЧУН РУБЕРОИДЛАР ОЛИШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ
ИШЛАБ ЧИКИШ**

02.00.07 – Композицион, лок-бўёқ ва резина материаллари кимёси ва технологияси

05.09.05 – Қурилиш материаллари ва буюмлари (техника фанлари)

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент - 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Акбаров Илхом Гуломжанович

Махаллий ва иккиламчи хомашёлар асосида модификацияланган композицион битум материаллар таркиби ва улар асосида курилишда ишлатиш учун рубероидлар олиш технологиясини ишлаб чиқиш.....3

Акбаров Илхом Гуломжонович

Разработка составов и технология получения модифицированных композиционных битумных материалов на основе местного и вторичного сырья и рубероидов на их основе строительного назначения.....20

Akbarov Ilkhom Gulomzhanovich

Development of compositions and technology of obtaining modified composite bituminum materials on the basis of local and secondary raw materials and ruberoids on their basis for construction purpose.....38

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....41

ИСЛОМ КАРИМОВ номидаги **ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ «ФАН ВА ТАРАҚҚИЁТ»
ДАВЛАТ УНИТАР КОРХОНАСИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.К/Т.03.01 РАҚАМЛИ БИР МАРТАЛИК
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ИСЛОМ КАРИМОВ номидаги **ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА
УНИВЕРСИТЕТИ «ФАН ВА ТАРАҚҚИЁТ» ДАВЛАТ УНИТАР
КОРХОНАСИ**

АКБАРОВ ИЛХОМ ГУЛОМЖАНОВИЧ

**МАҲАЛЛИЙ ВА ИККИЛАМЧИ ХОМАШЁЛАР АСОСИДА
МОДИФИКАЦИЯЛАНГАН КОМПОЗИЦИОН БИТУМ
МАТЕРИАЛЛАР ТАРКИБИ ВА УЛАР АСОСИДА ҚУРИЛИШДА
ИШЛАТИШ УЧУН РУБЕРОИДЛАР ОЛИШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ
ИШЛАБ ЧИКИШ**

02.00.07 – Композицион, лок-бўёқ ва резина материаллари кимёси ва технологияси
05.09.05 – Қурилиш материаллари ва буюмлари (техника фанлари)

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент - 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертация мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.3.PhD/T1774 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ислон Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети «Фан ва тараққиёт» Давлат унитар корхонасида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий Кенгашнинг веб-саҳифасида (www.gupft.uz) ва «Ziynet» Ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбарлар:

Негматов Сайибжан Садиқович
техника фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА академиги, Ўзбекистон
Республикаси фан арбоби

Солиев Рустамжон Хакимжанович
техника фанлари доктори

Расмий оппонентлар:

Касимов Ибраҳим Ирқинович
техника фанлари доктори, профессор

Негматова Комила Сайибжановна
техника фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Андижон машинасозлик институти

Диссертация ҳимояси Ислон Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети ҳузуридаги «Фан ва тараққиёт» ДУКнинг DSc. DSc.03/30.12.2019.К/Т.03.01 рақамли бир марталик илмий кенгашнинг «27» **апрель 2021 йил соат 11⁰⁰** даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Мирзо Ғолиб кўч., 7 а. Тел: (99871) 246-39-28, факс (99871) 227-12-73, e-mail: fan va taraqqiyot@mail.ru, www.gupft.uz «Фан ва тараққиёт» ДУК биноси, 2-қават, анжуманлар зали).

Диссертация «Фан ва тараққиёт» ДУК Ахборот - ресурс марказида 8- рақам билан рўйхатга олинган, диссертация билан корхонанинг Ахборот ресурс марказида танишиш мумкин (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Мирзо Ғолиб кўч., 7 а. Тел: (99871) 246-39-28, факс: (99871) 227-12-73).

Диссертация автореферати 2021 йил «14» апрелда тарқатилди.

(2021 йил «30» мартдаги № 8 рақамли реестр баённомаси).

А.В. Умаров
Илмий даража берувчи бир марталик илмий кенгаш
раиси, т.ф.д., профессор

М.Э. Икратова
Илмий даража берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, к.ф.н., к.и.х.

А.М. Эминов
Илмий даража берувчи илмий кенгаш
ҳузуридаги илмий семинар раиси, т.ф.д., профессор.

Кириш (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Бугунги кунда жаҳонда томларни ёпадиган материаллар, хусусан рубероидлар қурилиш соҳаларида кенг қўламда фойдаланилиб келинмоқда. Модификацияланган композицион битум материаллари сув ва намликни ўтказмаслиги, иссиқликга чидамлилиги, ўзгаришга учрамаслиги, арзонлиги ва мустаҳкамлиги билан изоляция материаллар орасида ўз ўрнига эга. Модификацияланган композицион битум материаллар ва улар асосида олинган рубероидлардан аҳоли эҳтиёжи ва қурилишда фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади.

Дунё миқёсида қурилиш ишлари ва аҳоли эҳтиёжи учун юмшаш ҳарорати юқори бўлган, термомеханик деструкцияси паст бўлган, ўзидан сув ва намликни ўтказмайдиган, ташқи таъсир натижасида ўзгармайдиган, арзон ва ноёб бўлмаган композицион битум материалларини яратиш бўйича илмий изланишлар олиб борилмоқда. Бу борада модификацияланган композицион битум материаллардаги компонентларнинг тузилишига, битум-полимер композицияларининг юмшаш ҳарорати ва термомеханик деструкцияланиш даражаси, тўлдирувчи заррачаларининг ўлчами ва мустаҳкамлик хоссаларига таъсирини аниқлаш, модификацияланган композицион битум материаллари ва улар асосида рубероидлар ишлаб чиқиш технологиясини яратишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикамизнинг турли хил иқлим минтақаларида ишлаш шароитларига мос келадиган, бинолар ва иншоотларнинг барқарорлилиги ва чидамлилигини таъминлайдиган қурилиш материаллари, яъни рубероидларни яратиш борасида давлат стратегик ва иқтисодий аҳамиятига эга бўлган чора тadbирлар олиб борилиб, муайян натижаларга эришилмоқда. Бу борада, саноат қурилиши ва аҳоли эҳтиёжининг ўсиб бориши ва яшаш ҳолатига қараб битумларнинг турли маркалари кенг миқёсда қўлланилмоқда ва ҳар йили қурилиш ташкилотларининг ушбу турдаги материалларга бўлган эҳтиёжи ортиб бормоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг тўртинчи бандида «...илмий-тадқиқот ва инновация фаолиятини рағбатлантириш, илмий ва инновацион ютуқларни амалиётга жорий этишнинг самарали механизмлари...»¹ бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилган. Бу борада, рубероидларни ишлаб чиқариш учун маҳаллий ва иккиламчи хомашёлардаги органоминерал ингредиентлар асосида юқори даражада эластиклик, мустаҳкамлик, намлик ва иссиқликка чидамлилик ҳамда умрбоқийликка эга самарали модификацияланган битум композициялар ва улар асосида рубероидлар ишлаб чиқиш муҳим илмий аҳамиятга эгадир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «2017-2021 йилларда Ўзбекистоннинг иқтисодий

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-4947 «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича ҳаракатлар стратегияси» тўғрисидаги Фармони

ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида», 2019 йил 23 октябрдаги ПФ-5853-сон «Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида» ги Фармони, 2020 йил 28 декабрдаги ПҚ-4936-сон «2021-2023 йилларда Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш чоратадбирлари тўғрисида» ги Қарори ва мазкур соҳа фаолиятига тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгилаган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотларнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VII. «Кимёвий технологиялар ва нанотехнологиялар» устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

Муаммони ўрганилган даражаси. Битум, полимер ва композицион материаллар яратиш бўйича қуйидаги таниқли олимлар Х.Мушреф., S.Li., L. Dezhi., G.Qianqian., Z.Jianhong., В.В.Гранев., А.М.Воронин., А.А.Шитов., А.М.Береговой., А.В.Мальцев., М.А.Петрянина., В.В.Гранев., G.Song, H. Tamai., Y. Kitagawalar ўз хиссаларини қўшганлар, улардан буюмлар олиш технологиясини ишлаб чиқиш бўйича эса А.Kumar, M.M.Pearlman, B.Arkes, S.Geracaris, R.Goudhue , A.A.Askadski, В.А.Белый, А.Д.Яковлев, В.Г.Савкин, А.В.Струк, В.П.Соломко, С.С.Негматов, Э.К.Косимов, Н.Самигов, А.И.Адилхожаев, А.А.Рискулов, А.С.Ибодуллаев, Л.Н. Облакулов, Б.Б.Собиров, Н.С.Абед, Р.Х.Солиев, Д.И.Махкамов, Г.Гулямов ва кўпгина бошқа олимлар илмий изланишлар олиб борганлар.

Мавжуд ишлар таҳлилига кўра, маҳаллий ва иккиламчи хомашёлардан юқори самарали битумли композицион материаллар ва улар асосида Ўзбекистоннинг иқлим шароитида ишлатиладиган рубероид материалларини амалда ишлаб чиқариш деярли ҳал қилинмаган. Бу қийинчиликлар, республиканинг кескин континентал иқлим шароитида ишлайдиган битум материаллари ва улардан олинадиган рубероид материалларининг физик-механик ва эксплуатацион хоссаларини ҳар томонлама ўрганиш ва уларни ишлаб чиқариш учун ўзига хос оптимал технологияларнинг етишмаслиги билан боғлиқ. Ушбу диссертация иши ана шу муаммоларни ҳал этишга бағишланган.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ислом Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети «Фан ва тараккиёт» Давлат унитар корхонаси илмий-тадқиқот режасининг №И-2011-5-4 «Турли соҳаларда фойдаланиш учун кукунли композит материаллар ишлаб чиқаришда госсипол қатронидан фойдаланиш», №А-12-21 «Ўзбекистоннинг иқлим шароитида ишлатиладиган рубероидларини ишлаб чиқариш учун маҳаллий ва иккиламчи хомашё асосида органоминерал ингредиентлардан модификацияланган битум композицияларини олиш бўйича самарали таркибларни ишлаб чиқиш», №И-2017-7-20 «Маҳаллий ва

иккиламчи хомашё асосида рубероидларни ишлаб чиқаришда композит битумли материаллар ишлаб чиқаришнинг самарали технологиясини ишлаб чиқиш ва ўзлаштириш» мавзуларидаги илмий лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади маҳаллий ва иккиламчи хомашёлар асосида модификацияланган композицион битум материаллар таркиби ва улар асосида қурилишда ишлатиш учун рубероидлар олиш технологиясини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

маҳаллий хомашё ва ишлаб чиқариш чиқиндилари асосида органоминерал ингредиентлардан модификацияланган юқори самарали композицион полимер материалларни олиш учун тадқиқот объектини танлаш ва асослаш;

маҳаллий ва иккиламчи хомашёлардан танлаб олинган органик ва ноорганик объектларни механокимёвий модификация қилиш ва физик-кимёвий хоссаларини ўрганиш;

битумли композицион материалларни олишда маҳаллий ва иккиламчи хомашёлар асосидаги модификацияланган органоминерал ингредиентлардан фойдаланиш имкониятларини ўрганиш;

«таркиб-структура-хосса» корреляцион боғлиқликни ўрнатган ҳолда органоминерал ингредиентларнинг турига ва таркибига қараб битум композицияларининг юқори физик-механик ва эксплуатацион хоссаларининг ўзгаришини ўрганиш ва аниқлаш;

маҳаллий ва иккиламчи хомашёлар асосида юқори физик-механик ва эксплуатацион хоссаларни таъминловчи битумли композицион материалларнинг оптимал таркибини ва олиш технологияларни ишлаб чиқиш;

ишлаб чиқилган битумли композицион материаллар ва улардан фойдаланиб рубероидларнинг тажриба-саноат синов партиясини ишлаб чиқариш;

рубероидларни ишлаб чиқаришда яратилган композицион битумли материалларни қўллаш ва ишлаб чиқаришни ўзлаштириш бўйича меъёрий-техник ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва амалий тавсиялар бериш ҳамда техник-иқтисодий самарадорликни аниқлаш;

ишлаб чиқилган битумли композицион материаллардан фойдаланиб яратилган рубероидларни ишлаб чиқариш технологиясини ўзлаштириш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида БН-90/10 (БНИ-V) БН-70/30 (БНИ-IV) битумлари, госсипол смоласи, гидролиз лигнини, сўндирилган оҳак, резина кукуни, қайта ишланган полиэтилен, поливинилхлорид ва базальт толалари олинган.

Тадқиқотнинг предмети бўлиб органик ва ноорганик таркибга эга бўлган маҳаллий хомашё ва техноген чиқиндилардаги ингредиентларнинг миқдори ва турининг битумли композицияларнинг мустаҳкамлик хоссаларига боғлиқлик қонуниятларини аниқлаш, уларнинг оптимал таркибини ишлаб чиқиш, шунингдек, аҳоли эҳтиёжи ва қурилиш саноатида

қўллаш учун битум-полимер композициялар ва рубероидларни олиш технологиясини ишлаб чиқиш ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация ишини бажаришда замонавий физик-кимёвий усуллар, жумладан, ИҚ-Фурье (ИҚ) спектроскопияси, рентген фазали (ХРД), энергия-дисперсион таҳлилли сканерловчи электрон-микроскоп (ЭДТ-СЭМ) ва бошқа қабул қилинган стандарт усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

механокимёвий фаоллаштирилган органоминарал ингредиентлар ва турли хил полимер чиқиндилари билан мақсадли модификацияланган битумлардан рубероидлар олиш мумкинлиги асосланган;

модификацияланган битумли композицион материалларнинг оптимал таркибини ишлаб чиқишга имкон берадиган органоминарал ингредиентларнинг тури ва таркибига кўра физик-кимёвий, механик ва эксплуатацион ҳоссаларига қараб модификацияланган битум-полимер композицияларни ҳоссаларининг ўзгариши аниқланган;

композиция таркибига кирадиган органоминарал ингредиентларнинг бир-бири ва матрица билан ўзаро таъсири натижасида физик-кимёвий боғларнинг ҳосил бўлиши ҳисобига юқори ҳароратларда (100-120°C) ишлатиладиган самарадорлиги, мустаҳкамлиги, физик-механик ҳоссалари юқори бўлган композицион битумли материалларнинг янги оптимал таркиби ишлаб чиқилган;

ишлаб чиқилган модификацияланган композицион битум материалларнинг шаклланишида «таркиб-структура-хосса»нинг корреляцион боғлиқлиги аниқланган;

махаллий ва иккиламчи хомашёлар асосида модификацияланган композицион битум-полимер материаллар ва улар асосида қурилиш саноатида ишлатиладиган рубероидлар олиш технологияси ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

махаллий ва иккиламчи хомашёлардаги органоминарал ингредиентлар асосида модификацияланган битум-полимер композициялари ва улар асосида рубероидлар ишлаб чиқилган;

модификацияланган композицион битум материалларидан фойдаланиб олинган рубероидлардан аҳоли эҳтиёжи ва саноат қурилишида том ёпиш материаллари ва изоляцион материаллар сифатида ишлатилиши асосланган;

аҳоли эҳтиёжи ва саноат қурилиши учун модификацияланган композицион битум-полимер материаллар ва улар асосида рубероидларни олиш учун ташкилот стандарти ва тажриба-технологик регламент ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги фойдаланилган физик-кимёвий ҳамда физик-механик тадқиқот усуллари билан асосланган. Композицион битум-полимер материалларининг физик-механик ва эксплуатацион ҳоссалари тадқиқотидан олинган натижалар математик-статистик усул орқали қайта ишланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларнинг илмий аҳамияти, маҳаллий ва иккиламчи хомашёлар асосидаги органоминерал ингредиентларнинг тури ва таркибининг ҳамда технологик омилларнинг материалнинг физик-механик хоссаларига таъсир қонуниятларини аниқлаш йўли, модификацияланган битумли композицион материалларнинг самарали таркибларини ва уларни қўллаш орқали рубероидлар ишлаб чиқиш имконини берганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, битум ишлаб чиқариш бўйича мавжуд қувватларни оширмасдан республикада битум танқислигини йилига 50 минг тоннагача тўлдиришга имкон беради. Шу билан бирга, аҳоли эҳтиёжи ва саноат қурилиши учун мўлжалланган юқори сифатли рубероидларга бўлган талаб таъминланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Маҳаллий ва иккиламчи хомашёлар асосида модификацияланган композицион битум материаллар таркиби ва улар асосида қурилишда ишлатиш учун рубероидлар олиш технологиясини ишлаб чиқиш бўйича илмий натижалара асосида:

янги таркибли модификацияланган композицион битум материаллар асосидги рубероидлар «Ўзбекнефтгаз» АЖнинг Наманган вилоятидаги «Ўзрубериод» МЧЖ корхонасидаги участкаларида амалиётга жорий этилган («Ўзсаноатқурилишматериалари»нинг 05/15-3694-сонли 2020 йил 26 ноябрдаги маълумотномаси). Натижада, юқори ҳароратда ишлатиш мумкин бўлган физик-механик хоссаларга эга бўлган рубероидларини олиш имконини берган;

модификацияланган композицион полимер-битум олиш технологияси «Ўзрубериод» МЧЖда рубероид ишлаб чиқаришда амалиётга жорий этилган («Ўзсаноатқурилишматериалари» нинг 05/15-3694-сонли 2020 йил 26 ноябрдаги маълумотномаси). Натижада, нефт битумини модификациялаштирилган полимер-битумга алмаштириш орқали рубероидларининг таннархини пасайтириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 3 халқаро ва 11 республика илмий-амалий конференцияларида маъруза қилинган ҳамда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 24 та илмий иш чоп этилган. Улардан 11 таси илмий мақолалар бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестацион комиссияси томонидан докторлик диссертацияларининг асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган республика журналларида 7 та ва халқаро журналларда 4 та мақола эълон қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 113 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари шакллантирилган, тадқиқотнинг объекти ва предмети аниқланган, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мувофиқлиги аниқланган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, уларнинг ишончлилиги асосланган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамиятлари очиб берилган, ишлаб чиқилган композицион материалларнинг жорий қилинганлиги, тадқиқот апробацияси натижалари, чоп этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Битумли композицияларнинг замонавий ҳолати ва рубероид олиш технологияларининг мустаҳкамлигини ошириш йўллари»** деб номланган биринчи бобида тадқиқот ишида сўнгги йилларда ишлаб чиқилган битумли композицион материаллар тўплами, улар орқали том ёпиш материаллари, уларнинг чидамлилигини ошириш йўллари, уларнинг физик-механик хусусиятларига таъсир қилувчи асосий омиллар, том ёпиш материаллари ишлаб чиқариш учун композициялар ва технологияларнинг комбинацияси ҳақида бир қатор адабий манбалар келтирилган.

Адабий манбалар таҳлилидан битум композициялари ва улардан фойдаланган ҳолда рубероид ишлаб чиқиш, тури, табиатининг таъсири атмосфера шароитида фаолият кўрсатувчилар учун етарли даражада ҳисобланмайди, органик моддалар таркиби, битум таркибига киради, шунингдек, уларнинг самарали композицияларини ва ишлаб чиқариш технологиясини яратишга илмий асосланган ёндашувларнинг етишмаслиги. Мазкур диссертация ана шу муаммоларни ҳал этишга бағишланган.


Диссертациянинг **«Тадқиқот объекти ва уларнинг хоссаларини аниқлаш методикасини танлаш ва асослаш»** деб номланган иккинчи бобида объектларни танлаш баён этилган ва асосланган. Ўз тадқиқотларида резина буюмларнинг амортизацияланган шиналаридан майдаланган резина, майдалаш ва кейин резинани кукун ҳолатига келтириш имконини берувчи конструкцияга эга бўлган икки червакли машина қўлланилган. Биз томонимиздан олинган ва ишлатилган резина кукун қуйидаги гранулометрик таркиби билан характерланади: №2-сонли элакнинг қолган қисми - 2%; қолдиқ №1 элакда - 3%; элакда қолдиқлари №0,5 - 45%; схемасидаги қолдиқ - 50%.

Органоминерал ингредиентларнинг физик-кимёвий хоссаларини аниқлаш ва улар асосида композицион полимер материалларни олиш усуллари ҳамда композицион битумли материалларнинг физик-механик хоссаларини аниқлаш усуллари баён этилган. Битумли материалларнинг физик-механик параметрларини ўрганиш натижаларини статик қайта ишлаш усули кўриб чиқилганлиги кўрсатилган.

Диссертациясининг «**Битум-полимер композицион материалларнинг физик, кимёвий ва механик хоссаларини тадқиқ этиш ва уларнинг оптимал таркибларини ишлаб чиқиш**» деб номланган учинчи бобида модификацияланган нефт битумининг хусусиятлари ва физик-кимёвий хоссаларининг ўрганиш натижалари, ишлаб чиқилган битум-полимер материаллари физик-кимёвий ва механик хоссаларининг шаклланишида назарий тушунчалар ва экспериментал тадқиқотлар натижалари, битум-полимер композициясининг ҳарорати ва дисперслик даражасининг термик ишлов беришга боғлиқлик қонуниятлари ўрганилган ва самарали битум полимер композиция олишда оптимал технологик режимлар ишлаб чиқилган.

Шу жиҳатдан битум композицияларининг хоссаларига полимер материалларнинг таъсири ўрганилди, жумладан, уларнинг юмшатиш ҳароратининг ўзгариши ва битум эритувчида резина кукунининг емирилиш даражаси (β), иссиқлик билан ишлов беришга боғлиқлиги шу билан бирга полимер битум сифатида 0,34-0,36 мм дисперсияли ва 10 дан 40% гача концентрацияли резина кукунлари танлаб олинди. Экспириментал тадқиқотлар КиШ бўйича I ва II турли битум эритувчилар 38, 42, 46, 50 ва 54°C, мос равишда ишлатилган; 42, 50, ва 62°C мос равишда. Термокимёвий деструкция куйидаги аралаштирувчи қурилмаларда 190-235°C ҳароратда ва 1-6 соат давомида амалга оширилган: парракли дисперсгатор; насос-дисперсгатор аппаратларида; пластификатор аппаратада; айланма-эксцентрик дисперсгатор ва парракли аралаштиргичда олиб борилди.


1-расмда битум-полимер таркибининг юмшатиш ҳароратининг дастлабки битум (а) дисперслиги (б) нинг юмшаш ҳароратига ва резина кукунининг таркибида (в) резина кукун билан ҳар хил тўлдиришга боғлиқлигини натижалари келтирилган. 1а-расмнинг эгари чизиғидан кўриниб турибдики, тўлдирилган полимер-битум таркибининг юмшаш температураси бошланғич битум температурасининг ортиши билан ортади. Ишлаб чиқилган битум-полимер таркибини кейинги тадқиқотлар ва таққослаш учун дастлабки битумнинг юмшатиш ҳарорати 40°C деб қабул қилинди. 1б ва 1в-расмлардаги эгри чизиқларидан кўриниб турибдики, барча объектлар учун резина кукунининг дисперслиги ортиши билан юмшаш температураси ва битум-полимер таркибининг максимумдан ўтишнинг экстримал характерига эга.



1-расм: 1 – 20 мас.к., 2 – 30 мас.к., 3 – 40 мас.к.


1-расм. Битум-полимер таркибининг юмшатиш ҳароратининг дастлабки битум (а) дисперслиги (б) нинг юмшаш ҳароратига ва резина кукунининг таркибига (в) боғлиқлиги

Шунинг учун битум-полимер таркибининг юмшаш ҳароратининг оптимал қиймати 38-40⁰С бошланғич битум ҳароратида, 30 мас.қ тўлдирувчи таркибида кузатилади, 0,3-0,35 мм резина кукунининг дисперслиги ва 70 мас.қ ли битум миқдори. Ўрганилаётган интервалда таркибнинг ($T_{р\text{бпс}}$) юмшаш ҳароратининг ўсиш тезлиги эса анча ортади ва ҳарорат бўйича 42-46⁰С бошланғич битумнинг юмшаш ҳароратида максимал қийматга эришиб, сўнгра туша бошлайди. 1б- расмдан кўриниб турибдики, 5 ва 6 эгри чикларда БПК нинг юмшаш ҳарорати битум-эритувчининг 42-46⁰ С оралиғидаги юмшаши 73⁰ С дан 104⁰ гача ошади (31⁰Сга), 46⁰-50⁰ да эса 104⁰ С дан 122⁰ С га (18⁰С га) ва 50⁰-54⁰ да 122⁰С дан 135⁰С га КиШ бўйича (13⁰С га КиШ) ортади. Битум композициясининг юмшаш ҳарорати ва деструкция даражасининг иссиқлик ишлов беришига боғлиқлик қонуниятларини кўриб чиқамиз. Биринчидан, 215-220⁰С температура дастлабки битумнинг юмшаш температурасининг таъсири ва термомеханик деструкциянинг давомийлиги, 0,6 мм резинали чўкманинг дисперслиги ва 30 мас.қ концентрациясини аниқладик ва битум-полимер таркибининг юмшаш ҳарорати ва дисперслик даражаси аниқланди.



а)

1- 60⁰С, 2 - 50⁰С, 3 - 45⁰С, 4 - 40⁰С, 5 - 35⁰С, 6 - 30⁰С
7-28⁰С, 8-22⁰С




б)


1-38⁰С, 2-42⁰С, 3-46⁰С, 4-50⁰С, 5-54⁰С КиШ бўйича дастлабки битумнинг юмшатиш ҳарорати

2-расм. Модификацияланган битум-полимер таркиби (БПТ) нинг юмшаш температурасининг термомеханик деструкция (Тд) давомийлигига (а) ва дастлабки битумнинг ($T_{дисх}$) турли температураларида юмшаш вақтига (б) боғлиқлиги, °С КиШ бўйича

2а-расмдан кўриниб турибдики, жараённинг барқарор ҳолат режимида резина кукунининг емирилиш даражаси вақт ўтиши билан ортиб боради. Дастлабки битумнинг барча юмшаш температуралари учун бошланғич даврда бир хил бўлган деструкция даражасининг ошиши ва кейинчалик бошқача ўзгаради, яъни юмшаш температураси пастроқ бўлган дастлабки битум учун у тезроқ ортади. 2б-расмда жараённинг дастлабки ҳолатида резина кукунининг деструкцияси берилган ва деструкциянинг емирилиши вақт ўтиши билан камайиб, 4-6 соатдан кейин сўнади. Бу, эҳтимол, аралашмада шаклланмаган резина концентрациясининг пасайиши ва унинг юзасининг деструкция билан боғлиқлиги тушунтирилади. Бундан ташқари, резина кукунининг деструкция даражаси нафақат жараённинг давомийлигига, балки аралаштириш қурилмасининг турига ҳам боғлиқ (3а ва 3б-расм).



а)



б)

3-расм. Диспергатор (а) ва парракли аралаштиргичда (б) термомеханик ишлов беришда битумнинг дастлабки ўзгаришига Тр га боғлиқ равишда деструкция даражасининг ўзгариши

Аралаштирувчи курилмалар турининг битумли-резина композициясининг деструкция самарадорлигига таъсири ўрганилди. Уларни куйидаги камайиб борувчи кетма-кетликда жойлаштириш мумкин: гирдобли (вахревой) диспергатор; насос-диспергатор; айланма-эксцентрик диспергатор; аппарат-пластификатор; парракли аралаштиргич.

Барча ҳолларда деструкцияланадиган резина кукунларининг миқдори битум таркибига боғлиқ (резинанинг деструкцияланган эритувчиси), масалан, Тр 38°C бўлган битумда малтен қисми 92,4%, 46°C – 86,0 % ва емирилиш даражаси мос равишда 85 ва 75.0 % ни ташкил этади. Бу ҳолда резина кукунини деструкцияланиш даражасини ўзгартириш механизми куйидагича ифодаланиши мумкин: юқори ҳарорат таъсирида мальтен компонентлари кўп бўлганда термомеханик деструкция жараёнида резина кукунлари шунчалик бўкиб кетадики, мальтенлар ортиқча бўлиб, резина кукунини ядросига кириб, унинг тузилишини заифлаштиради; резина кесимларини ишқалаш, емирилиши билан бирга механик кучлар (сихлар, насослар) таъсирида у аста-секин йўқ қилинади ва «эритма»га ўтади. Битумнинг мальтен қисми камайиши билан резина кукунини бутунлай шишиб кетмайди, чунки фақат битумнинг юқори юзалари асл битум билан шимдирилади. Битум-полимер таркиби (БПТ) нинг қовушқоқлиги орта бошлайди ва катта механик кучлар таъсирида резинанинг емирилиши унинг юқори қатламларидагина содир бўлади. Мальтенлар миқдори пастроқ бўлган дастлабки битумга ўтишда жараён янада секинлашади; бошқача айтганда, битумнинг мальтенли компоненти қанчалик катта бўлса ва шунга кўра дастлабки битумнинг юмшаш ҳарорати шунчалик паст бўлади, резина кукунининг емирилиш даражаси шунчалик юқори бўлади ва аксинча.


Механик таъсирнинг бир хил давомийлиги билан емирилиш даражаси резина кукунининг концентрациясига ва жараённинг ҳароратига сезиларли даражада боғлиқ. Шундай қилиб, резина кукунини 20 дан 40% гача оширишда резина кукунини деструкцияси 88 дан 78% гача сезиларли даражада камаяди. Жараённинг ҳарорати резинанинг емирилиш даражасига таъсир қилади. Ҳарорат 190 дан 230°C гача ўзгарганда резина миқдори 68 дан 88% гача 20 мас.қ гача ортади.

Шундай қилиб, деструкция даражасига бир қатор технологик омиллар таъсир кўрсатади. Аввало, бу термомеханик ишлов бериш вақти ва жараён ҳарорати, шунингдек, дастлабки битумнинг юмшатиш ҳарорати ва диспергатор қурилманинг тури. Бу эса битум-полимер композицияларини тайёрлашнинг оптимал режимини аниқлаш, уларнинг физик-механик характеристикаларини ва шунга мос равишда ишлаш давомида мустақамликни оширишга имкон берадиган талабга олиб келади.

Шу муносабат билан битум-полимер композицияларини олишнинг оптимал технологик режимлари ўрганилди ва ишлаб чиқилди.


Бу босқичда битум-полимер композицияларини олишнинг оптимал технологик режимларини аниқлаш мақсадида термомеханик ишлов бериш вақтининг таъсири, резина кукунининг емирилиш жараёни ҳарорати ва унинг резина кукунининг емирилиш даражаси бўйича таркиби ҳамда дастлабки битумнинг юмшаш ҳарорати ва уларнинг таркиби ўрганилди (4-расм).

4-расмда эгри чизиқларидан кўришиб турибдики, барча ҳолларда термомеханик ишлов бериш вақти ортиб бориши билан термомеханик ишлов беришнинг барча ҳарорат режимларида резина кукунининг емирилиш даражаси ортиб боради. Емирилиш даражаси мос равишда 40-68 дан 55-88% гача ошади. Бундан ташқари, резина кукунининг миқдори ортиб бориши билан деструкция даражаси камаяди.



4-расм. Резина кукунининг турли концентрацияларида (1, 2, 3-20 масс.к) битумли полимер таркибининг насос – диспергаторида резина кукунининг емирилиш даражасини термомеханик ишлов бериш вақтига боғлиқлиги. 1^I, 2^I, 3^I – 30 масс.к оғирлик, 1^{II}, 2^{II} ва 3^{II} – 40 масс.к оғирлик ва термомеханик ишлов бериш жараёнининг ҳарорати (1, 1^I ва 1^{II} – 230⁰С; 2, 2^I ва 2^{II} – 210⁰С; 3, 3^I ва 3^{II} – 190⁰С)



5-расмнинг эгри чизиқларидан кўришиб турибдики, барча ўрганилган параметрлар учун резина кукунининг миқдори ортиши билан ҳар хил таркиб ва зарралар катталиги учун юмшатувчи ҳарорат бироз бошланади ва кейин кескин ортиб, барқарорлашади.



1 – 20 масс.к; 2 – 30 масс.к; 3 – 40 масс.к; 1^I – 0,3 мм; 2^I – 0,6 мм; 3^I – 0,9 мм

5-расм. Битум-полимер таркибининг юмшаш ҳароратининг пломба заррачалари-резина кукунининг турли таркибли ва катталиктаги дастлабки битумнинг юмшаш ҳароратига боғлиқлиги

Резина кукунли тўлдиргич заррачаларининг таркиби ва ҳажмига битумли полимер композицияларининг юмшаш ҳарорати ва деструкцияси боғлиқликлари ҳам ўрганилди. ба ва бб эгри чизиқлари ушбу тадқиқотларнинг натижаларини кўрсатади.



а) б)
 1 – 0,3мм; 2 – 0,6мм; 3 – 0,9 мм. 1^I – 20 мас.к; 2^I – 30 мас.к; 3^I – 40 мас.к.

б-рasm. Битум-полимер композицияларининг юмшаш температураси (а) ва деструкция температураси (б) тўлдиргич заррачалари-резина кукунлари таркибига ва ўлчамига боғлиқлиги

Модификацияланган битум - полимер таркибини тайёрлашнинг оптимал режими – 220⁰С, 5 соат ишлов бериш режимида ва бошланғич битумнинг ҳарорати 38⁰-40⁰С, битум-полимер таркибининг резина кукунлари таркиби 28-30 мас.к бўлган термомеханик ишлов бериш ҳароратидир ва кукун заррачаларининг ўлчами 0,3-0,6 мм.

Шундай қилиб, деструкция даражасининг технологик жараёнини ҳисобга олган ҳолда юқоридаги натижаларни ҳар томонлама таҳлил қилиш асосида дастлабки битумнинг оптимал юмшатиш ҳароратлари 38-40⁰С.

Олинган тадқиқот натижаларини ҳар томонлама таҳлил қилиш асосида модификацияланган битум таркибининг энг оптимал параметрларини кўриб чиқиш лозимлиги белгиланган. $D = 0,35$ мм $C_v = 28\%$ ва $T_{р\text{исх.бит}} = 38^{\circ}\text{C}$, битум - 72%.

Диссертациянинг «Рубероид ишлаб чиқариш учун модификацияланган битум композицияларини олиш ва уларнинг физик-механик хоссалари ва об-ҳавога чидамлилигини тадқиқ этиш бўйича самарали композициялар ва технологияларни ишлаб чиқиш» деб номланган тўртинчи бобида экспериментал тадқиқотлар натижалари келтирилган.

Юқорида келтирилган тажрибалар ва олинган натижалар таҳлиллари асосида ва турли хил таркибий қисмлар миқдори ва уларнинг тузилиши хусусиятларининг битумли композициялар хоссаларига ва уларни ишлаб чиқариш учун технологик омилларга таъсирининг аниқланган қонуниятлари асосида бир қатор таркиблар ва уларни ишлаб чиқаришнинг мақбул усуллари ишлаб чиқилди. 1-жадвалда рубероидлар ишлаб чиқаришда ишлатиладиган битум таркибининг физик-механик хоссаларини аниқлаш бўйича ҳар томонлама тадқиқотлар натижалари келтирилган. 1-жадвал ва комплекс таҳлиллар натижаларидан кўриниб турибдики, уларнинг нисбатлари ва аниқланган оптимал режимларининг кейинги ўзгаришлари билан тегишли компонентларни танлаб, белгиланган хоссаларга эга модификацияланган битум композицион материалларни олиш мумкин. Жумладан, 59 дан 63 масса қисмгача битум таркибида ПАВ композит 0,5-3,6, резина кукун 32-34,

ингичка толали минерал базальт тўлдирувчи 2,5-2,7 масса қисмлар бўлганда - 20 дан 112⁰С гача ўртача ҳарорат оралиғида ишлайдиган битум композицион материаллар олинади. Битум таркибини 50,4 дан 55,3 мас.қ гача ўзгартирганда ва ПАВ-композит 32-48 мас.қ дан резина кукунлари мазмунини ўзгартириш томонидан таъқиб 28 учун 30 мас.қ., 3-4 мас.қ ораликдаги толали тўлдирувчи ва механоактивланган тўлдирувчини қўшиб, 7,2 дан 10,1 мас.қ гача қисмлари, -23 -28 дан +130 - 148 ⁰С гача ҳарорат оралиғида ишлайдиган битум композицион материаллар олиш мумкин.

1-жадвал

Модификацияланган битум таркибларининг оптимал таркибларининг физик-механик параметрлари

Номланиши	Тури ва миқдори					Усуллари
Кўрсаткичлар	МБК - 70	МБК- 90	МБК - 110	МБК - 130	МБК -150	тестлар
Кўриниши	Бир хиллик, бегона киритмаларнинг йўқлиги					Маълумот намунаси бўйича
Юмшатиш ҳарорати, °С, дан кам эмас	74	92	112	134	148	ГОСТ 26589
Игна пенетрацияси чуқурлиги, мм-1, 25° С ҳароратда, кам эмас	38	40	42	44	46	ГОСТ 11501
25 ° С гача чўзиш, кам эмас	4,0	3,8	3,5	3,0	3,0	ГОСТ 11506
Фрааус бўйича мўртлик ҳарорати, °С, ундан юқори эмас	минус 28	минус 29	минус 30	минус 31	минус 32	ГОСТ 11507
Бетонга ёпишиш, МПа, кам эмас	0,4	0,45	0,5	0,7	0,9	ГОСТ 12730.0

Шундай қилиб, юқоридаги натижалари асосида, самарали битум-полимер таркиби ишлаб чиқариш тури, таркиби ва битум-ҳал қилувчи хусусиятлари, тарқалиши ва резина кукуни концентрацияси, аралаштириш аппарати дизайни, тайёрлаш технологик режими (ҳарорат ва аралашмани қайта ишлаш муддати) асосий бўлган кўплаб омилларга боғлиқ, деб таъкидлаш мумкин.

Структурани шакллантириш, ишлаб чиқариш режимларини оптималлаштириш ва МБС композицияларини ҳар томонлама тадқиқ қилдик.

Об-ҳавога чидамли ва ишлаб чиқилган модификацияланган композит битум материаллари ёрдамида тайёрланган рубероидларнинг бошқа хусусиятлари ўрганилди. Рубероид намуналарининг атмосфера таъсирига учраши ва климатик камерага киришидан олдин бошланади. Тадқиқот жараёнида аввало қопловчи массанинг физик-механик хоссаларидаги ўзгаришлар баҳоланди. Климатик камерага киришдан олдин ва кейинги тадқиқотлар ўтказилди ва физик-механик хоссалари (юмшаш ҳарорати, санитария, эгилувчанлик, узилиши мустаҳкамлигига нисбати, масса йўқотиши) аниқланди. 2-жадвалда иқлим камерасида емирилишидан кейин

рубериодларнинг эгилувчанлиги ва масса йўқотиш кўрсаткичлари бўйича тадқиқотлар натижалари келтирилган.

2-жадвал

Климатик камерасида емирилгандан кейин рубериоднинг эгилувчанлиги ва вазн йўқотиш кўрсаткичлари

№ 5.1 жадвалга оид қоплама учун масса таркиби	Қопланувчи массанинг қалинлиги, мм	Бузилишгача бўлган циклнинг сони	Кўрсаткичлар		масса, йўқотилиши %
			Хароратдаги, °C d=30 мм стержендаги эгилувчанлик		
			дастлабки	синовдан кейин	
МБК-70	0,8	150	+10	Юзадаги синиклик	0,95
МБК-90	0,8	350	-6,0	-	0,82
МБК-110	0,8	350	-10,0	-	0,76
МБК-150	2,0	420	-6,0	+20,0	0,8
МБК-150	3,0	420	-6,0	+20,0	0,74


Маълумотларнинг таҳлили шуни кўрсатадики, рубериодларнинг емирилишига олиб келадиган циклонлар сони қопловчининг масса таркибига ва қопловчи қатламининг қалинлигига боғлиқ.

Бу ҳолда, рубериод одатда 150 циклондан кейин ёриқлар билан қопланган, ва 6-9% бир кукун таркиби билан бир битум-резина таркиби билан - 350 кейин. Қопқоқ қатлами қалинлигини 0,8 дан 2-3 мм гача ошириш синов цикллари сонини 420 га оширади. Шу билан бирга, у соф битум нисбатан 13-21 балл кам ва резина кунуни ва рубериодлар қопловчи қатлами қалинлиги ортади, деб камаяди иккинчиси массаси йўқотилиши кузатилади.

7-расмда ишлаб чиқариш технологик линияси ва модификацияланган битум таркибини тайёрлаш жараёни келтирилган.

Диссертациянинг «Рубериод ишлаб чиқаришда маҳаллий ва иккиламчи хомашёлар асосида модификацияланган композицион битумли материаллар олиш учун ишлаб чиқилган композициялар ва технологияларнинг амалий ва иқтисодий жиҳатлари» деб номланган бешинчи бобида яратилган композицион битумли материалларни олиш, унинг партия синовларини ўтказиш ва атмосфера шароитида яратилган композицион битумли композициялар ёрдамида ишлаб чиқарилган том ёпиш материалларини тажриба-ишлаб чиқариш синовларини ўтказиш бўйича ишлаб чиқилган технология натижалари тақдим этилган.

Ишлаб чиқилган модификацияланган битум композициялари ёрдамида ишлаб чиқарилган рубериодларининг тажриба ва ишлаб чиқариш синовлари атмосфера шароитида ўтказилди ва қабул қилинган усул бўйича қопловчи композицион битум массаси композициялари ёрдамида баҳоланди. Ушбу тадқиқотларнинг натижалари 2-жадвалда кўрсатилган. Тадқиқот давомида намуналарни визуал кузатиш амалга оширилган, шунингдек, уларнинг физик-механик хоссалари ва тузилишидаги ўзгаришлар 12, 24, 60 ва 120 ойдан сўнг кузатилиб, табиий шароитда синовлар ўтказилган.



- 1-резина кукуни учун бункер; 2-ўзгартирилган госсипол смоласи – сирт фаол моддалар композицион учун бункер; 3-Механик фаоллаштирилган базалт толаси учун бункер; 4-Оҳак; 5; 6-Аралаштиргич; 7-битум учун бункер-90/10; 8-битум учун бункер-70/30; 9-Қабул килувчи бункер; 10-Қориштиргич; 11-Ташқи иситишли реактор

7-расм. Модификацияланган битум таркибини олиш технологик линияси схемаси

Визуал кузатишлар таҳлили шуни кўрсатдики, 12 ойлик синовлардан сўнг стандарт рубероиднинг юзасида кичик саёз ёриқлар, 60 ойдан кейин эса материал ёриқлари пайдо бўлади. Битумли-резина қопламали қатламли рубероиднинг сиртида ва 60 ойдан кейин ҳеч қандай нуқсон топилмади. Фақат 120 ойлик синовлардан сўнг, намуналар юзасида кичик ёриқлар, шишалар ва пуфакчалар шаклидаги нуқсонлар қайд этилди. Шу билан бирга, бир қоплама қатлами билан анъанавий рубероид ва модификацияланган битум таркиби намуналари ранги ўзгарди - улар боғловчи учувчи компонентлар экстрадацияси туфайли қора-жигарранг бўлди.

Ушбу тадқиқотда модификацияланган битум композициясини анъанавий 4 қатламли қопловчига эга бўлган анъанавий рубероид билан солиштиришдан фойдаланган ҳолда юмшоқ рулон қопловчи ва мастикали қопловчи материалларини иқтисодий самарадорлигини баҳолаш келтирилган. Боғловчининг массаси 800 г/см^2 дан кам бўлмаган эластик қопловчи таркибли РЭ-800 маркали рубероид ва боғловчи массаси 3000 г/м^2 дан кам бўлмаган эластик композицион модификацияланган битум қопловчи композиция РЭ-3000 маркали рубемастларни РКП-350 маркали рубероид билан солиштиришда қопловчисининг фойдаланиш муддати 10-12 йилгача эканлигидан иборат. Ушбу таркиблардан мастикали қопловчининг қурилиш

майдонларидаги қурилмалари ва ишлаб чиқариш технологияси принципаал жихатдан деярли фарқ қилмайди. Дастлабки ҳисоб-китоблар шуни кўрсатадики, модификацияланган композицион битум композициясининг нархи 1 м² учун 2000 сўмни, Россияники 1 м² учун 4000 сўмни ташкил этади.

Модификацияланган композицион битум композициясидан фойдаланиб 10000 м² рубероид ишлаб чиқарилганда кутилаётган иқтисодий самарадорлик 200 000 000 сўмни ташкил этади.

ХУЛОСА

1. Битум таркибига майдаланган резина кукуни, кукунсимон госсипол смоласи, гидролизланган лигнин, сўндирилган оҳак, толали базальт тўлдирувчи, иккиламчи полиэтилен ва поливинилхлорид каби органоминарал ингредиентларни юқори ҳароратларда битум композициясида кўп структурали тизимлар ҳосил қила оладиган миқдорда киритиб ҳамда физик-кимёвий ишлов бериш орқали самарали модификацияланган композицияларни олиш имконияти асослаб берилди.

2. Таркибида органик ва ноорганик қўшимчалар мавжуд бўлган нефтли битумларни модификациялаш жараёни ҳақидаги назарий қарашлар шакллантирилди. Ушбу қарашларга асосан битумли полимер минераллашган композициялар олиш жараёнлари уч босқичдан иборатлиги, структура ва хоссаларининг ўзгариш қонуниятларини эса композицион қурилиш материалларининг кўп структурали назарияси позициясидан кўриб чиқиш тавсия этилди.

3. Кукунсимон госсипол смоласи билан модификациялаш жараёнида модификацияланган битумнинг механик қотишмаси ҳосил бўлиши аниқланди.

4. Том ёпиш материаллари картонни қоплаш ва шимдириш учун нефтли битумни бир қисмини кукунсимон госсипол смоласига алмаштириш орқали унинг физик-механик хоссалари талаб даражасида бўлишига олиб келиши аниқланди.

5. Резина кукуни, госсипол смола, иккиламчи полиэтилен, базальт тола, сўндирилган оҳак, каби органоминарал ингредиентлардан иборат маҳаллий ва иккиламчи хомашёлар асосида битумли композицияларни олиш технологияси тавсия этилди.

6. Юмшаш ҳарорати, мўртлик, эгилувчанлиги, гидроизоляцияланганлиги, бўлиниш мустаҳкамлиги каби кўрсаткичлар бўйича битум қатлам қопламали том ёпиш материаллари стандарт талабларга жавоб бериши ва анъанавий рубероиднинг характеристикаларига нисбатан юқори эканлиги аниқланди.

7. Четдан олиб келинадиган том ёпиш ва гидроизоляцияловчи материаллар ўрнига Ўзбекистон учун муҳим халқ хўжалиги аҳамиятига эга бўлган, хусусан стандарт рубероиддан умрбоқийлиги 2-2,5 баробар юқори бўлган, яхшиланган хоссали рубероидлар тавсия этилди.

**РАЗОВЫЙ НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.03/30.12.2019.К/Т.03.01 ПО
ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ГОСУДАРСТВЕННОГО
УНИТАРНОГО ПРЕДПРИЯТИЯ «ФАН ВА ТАРАККИЁТ» ПРИ
ТАШКЕНТСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ ТЕХНИЧЕСКОМ
УНИВЕРСИТЕТЕ имени ИСЛАМА КАРИМОВА**

**ГОСУДАРСТВЕННОЕ УНИТАРНОЕ ПРЕДПРИЯТИЕ
«ФАН ВА ТАРАККИЁТ»**

АКБАРОВ ИЛХОМ ГУЛОМЖАНОВИЧ

**РАЗРАБОТКА СОСТАВОВ И ТЕХНОЛОГИЯ ПОЛУЧЕНИЯ
МОДИФИЦИРОВАННЫХ КОМПОЗИЦИОННЫХ БИТУМНЫХ
МАТЕРИАЛОВ НА ОСНОВЕ МЕСТНОГО И ВТОРИЧНОГО СЫРЬЯ И
РУБЕРОИДОВ НА ИХ ОСНОВЕ СТРОИТЕЛЬНОГО НАЗНАЧЕНИЯ**

02.00.07 – Химия и технология композиционных, лакокрасочных и резиновых материалов
05.09.05 - Строительные материалы и изделия (технические науки)

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент – 2021

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан под номером В2020.3.PhD/T1774

Диссертация выполнена в Государственном унитарном предприятии «Фан ва тараккиёт» Ташкентского государственного технического университета имени Ислама Каримова.

Автореферат диссертации размещен на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) на веб-странице Научного совета по адресу www.gupft.uz и Информационно-образовательном портале «Ziyonet» по адресу www.ziyonet.uz.

Научные руководители:

Негматов Сайибжан Садилович
доктор технических наук, профессор,
академик АН РУз

Солиев Рустам Хакимжанович
доктор технических наук

Официальные оппоненты:

Касимов Ибрахим Иркинович
доктор технических наук, профессор.

Негматова Комила Сайибжановна
доктор технических наук, профессор.

Ведущая организация:

Андижанский машиностроительный институт

Защита диссертации состоится **«27» апреля 2021 года в 11 часов** на заседании разового научного совета DSc.03/30.12.2019.К/Т.03.01 при ГУП «Фан ва тараккиёт» Ташкентского государственного технического университета имени Ислама Каримова (Адрес: 100174, г. Ташкент, ул. Мирзо Голиба 7а. тел.: (99871) 246-39-28; факс: (99871) 227-12-73; e-mail: fan_va_taraqiyot@mail.ru, в здании «Фан ва тараккиёт» ГУП, 2 этаж, зал конференций).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре ГУП «Фан ва тараккиёт» (Зарегистрированный номерам №8). (Адрес: 100174, г. Ташкент, ул. Мирзо Голиба, 7а. Тел. (99871) 246-39-28, факс: (+99871) 227-12-73).

Автореферат диссертации разослан «14» апреля 2021 года

(протокол реестра №8-21 от 30 марта 2021 г.).

А.В. Умаров

Председатель разового научного совета по
присуждению учёных степеней, д.т.н., профессор

М.Э. Икрамова

Ученый секретарь научного совета по присуждению
учёных степеней, к.х.н., с.н.с.

А.М. Эминов

Председатель научного семинара при научном
совете по присуждению ученых степеней, д.т.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. На сегодняшний день кровельные материалы, особенно рубероид, широко используются в строительной индустрии мира. Модифицированные композиционные битумные материалы занимают особое место среди изоляционных материалов, обладающих водо- и влагонепроницаемостью, термостойкостью, неизменяемостью, невысокой стоимостью и прочностью. Использование модифицированных композиционных битумных материалов и кровельных материалов на их основе для нужд населения и в строительстве является весьма актуальным.

В мировом масштабе проводятся научные исследования по созданию недорогих и уникальных композиционных битумных материалов с высокой температурой размягчения, низкой термомеханической деструкцией, непроницаемостью воды и влаги, не изменяющейся в результате внешних воздействий, для строительных работ сооружений и потребности населения. В этом аспекте особое внимание уделяется разработке технологии получения модифицированных композиционных битумных материалов и рубероидов на их основе, влияние температуры размягчения и термомеханическая деструкция битумно-полимерных композиций, определение прочностных свойств и размеров частиц наполнителя структуре компонентов модифицированных композиционных битумных материалов.

В Республике принимаются меры государственного стратегического и экономического значения и достигаются определенные результаты по созданию рубероидов и кровельных материалов, пригодных для работы в различных климатических зонах страны, обеспечивающих устойчивость и долговечность зданий и сооружений. В связи с этим в промышленном строительстве и в зависимости от растущего спроса и условий жизни населения широко используются различные марки битумов, причем с каждым годом потребность строительных организаций в этом виде материала растет. В четвёртом пункте направления Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан «...эффективные механизмы стимулирования научно-исследовательской и инновационной деятельности, применения научных и инновационных разработок...»² поставлены важные задачи. В этом направлении важнейшее значение приобретают создание и обеспечение эффективными модифицированными битумными композициями из органоминеральных ингредиентов на основе местного и вторичного сырья для производства рубероидов, обладающие высокой эластичностью, прочностью, водонепроницаемостью, теплостойкостью и долговечностью. В связи с этим разработка эффективных модифицированных битумных

² ¹Указ Президента Республики Узбекистан № ПФ-4947 «О стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017-2021 годах»

композиций на основе органоминеральных ингредиентов местного и вторичного сырья для производства кровельных материалов с высокой эластичностью, прочностью, влаго- и жаростойкостью и долговечностью, а также рубероидов на их основе является важной научной задачей.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных в Указах и Постановлениях Президента Республики Узбекистан №УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О Стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития экономики Узбекистан в 2017-2021 годы», №УП-5853 от 23 октября 2019 года «Об утверждении стратегии развития сельского хозяйства республики Узбекистан 2020- 2030 годы», №ПП-4936 от 28 декабря 2020 года. «О социальной сфере и развитии Республики Узбекистан в 2021-2023 годах о мерах по развитию производственной инфраструктуры» и другие нормативные документы, принятых в данной сфере.

Соответствие исследований приоритетным направлениям развития науки и технологии Республики: Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики VII «Химическая технология и нанотехнология».

Степень изученности проблемы: В разработку и создание битумных, полимерных и композиционных материалов внесли определенный вклад такие известные ученые, как Х.Мушреф., S.Li., L. Dezhi., G.Qianqian., Z.Jianhong., В.В.Гранев., А.М.Воронин., А.А.Шитов., А.М.Береговой., А.В.Мальцев., М.А.Петрянина., В.В.Гранев., G.Song, H. Tamai., Y. Kitagawa, а разработке технологии получения изделий из них посвящены работы А.Kumar, М.М.Perlman, В.Arkes, S.Geracaris, R.Goudhue, А.А.Askadski , В.А. Белого, А.Д.Яковлева, В.Г.Савкина, А.В.Струк, В.П.Соломко, С.С. Негматова, Э.К.Косимова, Н.Самигова, А.И.Адилходжаева, А.А.Рыскулова, А.С.Ибодуллаева, Л.Н. Облакулова, Б.Б. Собирова, Н.С. Абед, Р.Х. Солиева, Д.И. Махкамова, Г. Гулямова и многих других.

Исходя из анализов существующих работ, необходимо отметить, что создание высокоэффективных битумных материалов на основе местного и вторичного сырья и рубероидов на их основе, эксплуатирующийся в климатических условиях Узбекистана практически не решено. Это связано со сложностями, комплексным изучением физико-механических и эксплуатационных свойств битумных материалов и рубероидов из них, работающих в резко-континентальных климатических условиях республики и отсутствием оригинальных технологий их производства. Решению этих проблем и посвящена настоящая диссертационная работа.

Связь темы диссертации с научно-исследовательскими работами, где выполняется диссертация. Диссертационное исследование выполнено в рамках плана научно-исследовательских работ в Государственном унитарном предприятии «Фан ва тараккиёт» ТашГТУ имени Ислама Каримова в следующих проектах: №И-2011-5-4 «Использование госсиполовой смолы в производстве порошкообразных композиционных материалов для применения в различных отраслях промышленного производства»; №А-12-21

«Разработка эффективных составов получения модифицированных битумных композиций из органоминеральных ингредиентов на основе местного и вторичного сырья для производства рубероидов, эксплуатирующийся в климатических условиях Узбекистана»; №И-2017-7-20 «Разработка и освоение эффективной технологии получения композиционных битумных материалов на основе местного и вторичного сырья в производстве рубероидов».

Целью исследования является разработка составов и технология получения модифицированных композиционных битумных материалов на основе местного и вторичного сырья и рубероидов на их основе строительного назначения.

Задачи исследования:

